

Муслима тадқиқотчи галактиканинг янги турини кашф қилди



11:20 / 26.01.2019 3756

Асли туркиялик тадқиқотчи Бурчин Мутлу-Покдил ёшлигидан физикага қизиққан. Унинг айтишича, ёшлигида Эйнштейн ҳақида мақола ёзади ва шу билан фазога мафтун бўлиб қолади. Шу билан у ҳаёти давомида фазони тадқиқ қилишга қарор қилади. Бурчин Аризона университетининг Стюард расадхонасида илмий тадқиқотчи бўлиб ишлайди. У, асосан телескопда олинган маълумотлар орқали галактиканинг ўзгаришларини таҳлил қилиш билан шуғулланади.

Бурчин ва унинг жамоаси PGC 100714 номли галактикани ўрганишни бошлаганларида уни америкалик астроном Артур Хог кашф этган Snake юлдузи туркумига кирувчи “Хог” объекти деб нотўғри фараз қиладилар. Бироқ Бурчин бу кашфиётида нимадир борлигига ишонч ҳосил қилгач, тадқиқотини давом эттиради. Натижада кўк ташқи ҳалқа ва қизил марказий ядро ўртасида марказий танани ўраб олган тарқоқ қизил ички ҳалқа борлигини кашф қилади.


Бу дарҳақиқат янги галактика эди! Ҳамма галактикалар спиралсимон кўринишда бўлган, лекин буниси улардан фарқ қилар эди. Янги объект

унинг номи билан “Бурчин галлактикаси” деб номланди. Астрономлар ҳалигача бу номаълум объектнинг қаердан келиб чиққани ҳақида қизиқмоқдалар.

Туркияда мусулмон оиласида вояга етган, иломий одоб-ахлоқ билан тарбия топган Бурчин учун ўз юртида илмий фаолиятини давом эттириш имконсиз эди. Шундан сўнг у АҚШга сафар қилиб, Техас университетиде магистр, Миннесота университетиде докторлик диссертациясини ҳимоя қилади. Маълум вақт олиб борилган илмий фаолияти ўз натижасини берди. У 2018 йилда барча мамлакатлардан таклиф этилган энг қоблиятли инсонлар орасидан, дунёни ўзгартирувчи 20 кишидан бири сифатида машҳур TED га стипендиант сифатидан қабул қилинди.

TED – (technology, entertainment, design) бу нотижорат нодавлат америка фонди бўлиб, асосан ҳар йили илм-фан, санъат, дизайн, сиёсат, маданият, бизнес йўналишлари бўйича ўтказиб турадиган конференциялари билан машҳурдир. Бу конференцияларда АҚШ Президенти Билл Клинтон, Нобель мукофоти совриндорлари Жемс Уотсон, Мюррей Гелл-Манн, Википедия асосчиси Жимми Уэйлс каби машҳур шахслар лекция ўқийди. Бу Мутлу-Покдил учун ўз ғояларини рўёбга чиқариш учун катта имконият эшикларини очди.

“Биринчи уринишда ниятингизга эриша олмаслигингиз мумкин. Бироқ ҳар сафар муваффақиятсизликка учраганингизда, яна ҳаракат қиласиз, такрор-такрор интилишлар билан мақсадга эришилади”, – дейди Бурчин Мутлу-Покдил.



Islom.uz портали таҳририяти